

**Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ва тизим
ташкилотлари иштирокида ўтказилган
ДАВРА СУХБАТИ, (ТРЕНИНГ)**

2025-йил 5-декабрь

“Ренессанс”
кино уйи

Давра суҳбатини олиб борди: Кинематография агентлиги ижро аппарати
рахбари **Н.Мусаев**

Сўзга чиқувчилар: **Я.Эшонхонов** – Кинематография агентлиги
Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс
назорат хизмати бош мутахассиси

Д.Касимов – Кинематография агентлиги Бош
юрисконсулт

Иштирок этди: Кинематография агентлиги шахсий таркиби ҳамда
Тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимлари
давра суҳбати, (тренинг) мавзуси:

**Кинематография агентлиги соҳасида коррупцияга қарши муросасиз
курашиш бўйича ўз фаолиятлари очиклигини таъминлаш,
коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, ҳамда
“9-декабр – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган
Аксилкоррупция ойлиги доирасида ўтказилаётган “Очик эшиклар куни”
тадбири ўтказилиши**

(Н.Мусаев, Я.Эшонхонов, Д.Касимов, шахсий таркиб ва тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимлари)

Тренингни Ўзбекистон Ресупбилакаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Кинематография агентлиги ижро аппарати раҳбари Н.Мусаев кириш сўзи
билан очиб берди.

Ўзининг нутқида ушбу тадбир давлат органлари фаолиятининг очиклиги,
уларнинг жамоатчилик ва фуқаролар олдида ҳисобдорлигини таъминлаш
ҳамда оммавий ахборот воситалари журналистлари, блогерлар ва
фуқароларни қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мақсадида ташкил
этилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс нazorат
хизмати бош мутахассиси Я.Эшонхонов сўзга чиқиб “9-декабр – Халқаро
коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган Аксилкоррупция
ойлиги доирасида ўтказилаётган “Очик эшиклар куни” тадбири билан таклиф
этилганларни яна бир бор таништириб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 14-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сонли Фармони ҳамда бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан, Кинематография агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш мақсадида агентликнинг расмий веб сайтидаги “Жамоатчилик кенгаши” алоҳида саҳифаси очилганлиги алоҳида эътироф этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. (<https://uzbkino.uz>).

Ушбу саҳифага жамоатчилик кенгаши фаолиятига оид тегишли маълумотлар очиқ эълон қилиб киритилиб бориш учун агентлик матбуот қотибига масъуллар томонидан маълумотлар тақдим этиб борилётганлиги таъкидлаб ўтилди. (<https://uzbkino.uz/uz/public-information?type=2>).

Я.Эшонхонов асосан, манфаатлар тўқнашувига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2024-йил 5-июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги ЎРҚ-931-сонли Қонуни ижросини самарали ташкил этиш, ушбу Қонун билан белгиланган талабларни давлат органлари ва ташкилотларида жорий этишда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид ҳуқуқий тартиботларнинг мазмун-моҳиятини мажлис иштирокчиларига маълум қилди.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашуви-шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият эканлиги;

шахсий манфаатдорлик-давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик тушунчаси тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бу борада ходимларни ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 сентябрдаги “2024-2025-йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 588-сон Қарори қабул қилинганлиги, ушбу Қарорнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтиришлар бериш учун сўз навбати Бош юрисконсулт Д.Касимовга берилди.

Сўзга чиқган Д.Касимов ўз нутқини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 сентябрда қабул қилинган “2024-2025-йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 588-сон қарорининг мазмун моҳиятини мажлис иштирокчиларига маълум қилиш билан бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида» 2024 йил 24 майдаги ПФ-80-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини такомиллаштириб бориш орқали аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу қарор қабул қилинганлигини, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепсияси ижросини самарали амалга ошириб бориш мақсадида икки йилга мўлжалланган ҳуқуқий саводхонликни ошириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган комплекс ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтди.

Тренинг масалалари юзасидан билдирилган таклиф ва тавсияларни инобатга олиб:

1. Кинематография агентлиги ва тизим ташкилотлари иштирокида **“9- декабр – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”**га бағишланган Аксилкоррупция ойлиги доирасида ўтказилаётган “Очиқ эшиклар куни” тадбири маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ушбу тадбирлар доимий ўтказиб борилиши ва амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамоатчиликда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида тегишли масъуллар иштирокида мунтазам ташвиқот ишларини амалга ошириб борсин;

Баёнлаштирувчи:

Я.Эшонхонов